



MILLIY TIKLANISH

51 (216) 2012 йил 19 декабрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



ЎзМТДП депутатлик гуруҳи «Хунарманд» уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими билан ҳамкорликда кўплаб хайрли ишлар, самарали лойиҳаларни амалга оширмоқда.



Ўқув-семинарда ЎзМТДП фаолиятини янада такомиллаштириш, қуйи бўғинлар ишини жадаллаштириш, партия ғоя ва мафкурасини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш усуллари ўрганилди.



МАЗКУР аппаратни тендикка букиш мумкин. Уни яратишда энг арзон хомашё — пластик ва шунга ўхшаш материаллардан фойдаланилган. Бу маҳсулотнинг янада арзонлашувини таъминлайди.

2 СИЁСАТ

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

8 КЎЗГУ

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 18 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг кўламли ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, мамлакатларимиз манфаатларига тааллуқли долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ўзаро ҳамкорлик деярли барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

2012 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида эришилган принципаал келишувлар ва уларнинг якуни бўйича имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик шерикликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон-Россия мулоқотини янада мустақамлашнинг устувор йўналишларидандир.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг яқинда бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ўзаро савдо ва сармоявий алоқаларни диверсификация қилишдан икки томон ҳам манфаатдор эканини тасдиқлади.

Оқсаройдаги учрашувда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик, бугунги кундаги умумий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш борасида биргаликда чора-тадбирлар қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С.Лавров самимий қабул ҳамда икки ва кўп томонлама ҳамкорлик истиқболларини атрофлича муҳокама қилиш имконияти учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди, шунингдек, Россия раҳбариятининг Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва конструктив ҳамкорликка тайёр эканини тасдиқлади.

Учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ПАРТИЯ ДАСТУРИ — АМАЛДА



ЎзМТДП депутатлик гуруҳи

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲАГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ТАШАББУС БИЛАН ЧИҚИШДИ

Мамлакатимизда миллий хунармандчилик анъаналари изчил давом этмоқда. Тарихи минг йилларга бориб тақаладиган, аجدодлардан мерос бу бебаҳо қадриятлар авлоддан-авлодга ўтиб, халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган.

Юртимизда халқ хунармандчилигини тиклаш, муносиб давом эттириш ва усталар меҳнатини рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ усталари ва хунармандлари «Хунарманд» уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари

ташкил этилгани қадриятларимиз давомчиларининг эркин фаолият юритиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Самарқандда ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлиб, бутун оиласи билан ота-боболарининг касб-

корини муносиб давом эттираётган хунармандлар кўп. Ўрни келганда айтиш жоизки, уста-шоғирд анъаналарига тўлақонли жавоб берадиган миллий, амалий хунармандчиликнинг замон талабларига мос шаклини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантиришга кўмаклашиш ЎзМТДП мақсад ва вазифалари ҳамда сайловолди Платформасида илгари сурилган устувор вазифалардан саналади.

2-бет

МУЛОҚОТ

Сайловчилар билан учрашувлар

УНДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИЙ МАВЗУГА АЙЛАНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг жойлардаги сайловчилар билан навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва қабул қилинган қонулар қуйи палатада муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг қабул қилинаётган қонуларда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдаги саъй-ҳаракатлари хусусида юзма-юз мулоқотлар олиб борилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси Ахтам Турсунов ва ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Тўхташев Самарқанд, Тойлоқ ва Ургут туманларида сайловчилар билан ўтказган учрашувларида Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган устувор вазифаларга эътибор қаратди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан Президентимиз раҳнамолигида минтақа ва мамлакатимиз миқёсида тинчликни сақлаш ва барқарорликни таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббуслари халқаро ҳамжамият ва халқимиз томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов Конституция қабул

қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммоси ечимига доир тақлифлар, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини очик-ойдин баён этдилар. Дарҳақиқат, глобаллашув жараёнлари шиддат билан кечаётган, баъзи минтақаларда қуролли тўқнашувлар кескин авж олаётган бугунги даврда тинчлик ва барқарорлик қадри нақадар улугънemat экани барчамизга аён. Бу борада Ватанимиз миллий манфаатлари ва халқаро масалалардаги позициясини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгиланган ЎзМТДП давлатимизнинг дунёда тинчлик ўрнатиш ва барқарорликни таъминлашдаги ташаббус ва сиёсатини қўллаб-қувватлаб, унинг амалий ижроси бўйича олиб борилаётган ишларда фаол иштирок этишга интилоқда, — деди партия етакчиси.

2-бет

Ўқув-СЕМИНАР

Партия ғоя ва мафкураси

УНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ЎРГАНИЛДИ



Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ахтам Турсунов Бош Қомусимизнинг яратилиш тарихи, унинг аҳамияти, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилишдаги ўрни борасида, шунингдек, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси юзасидан маъруза қилди.

— Мамлакатимизнинг тарихан қисқа муддатда дунёда муносиб ўрин эгаллаши, ижтимоий-сиёсий, маънавий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳаларда кенг қамровли ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

3-бет

ЖАРАЁН

Обод Юрт ва турмушга кўмакдошимиз

1991 йил 31 август куни, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган тарихий йилгида мухтарам Президентимиз "Мустақил Ўзбекистон давлатининг сиёсати инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланади", деган дастурий ғояни илгари сурган эди. Мана йиғирма бир йилдирки, ЭЗГУЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК мамлакатимиз тараққиётининг асосий принципларидан бирига айланган ва у инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, фаровонлигига хизмат қилиб келмоқда. Президентимиз мана шу улугъ ғоянинг мантқиқий давоми сифатида кириб келаётган 2013 йилга "ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ", деб ном берди.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● МУНОСАБАТ

Чет тилларини ўрганиш

УНГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК ЁШЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда келажакимиз бўлган ёшларимизнинг билими, заковати инсонлар бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўз навбатида, йигит-қизларимиз ҳам билими, заковати, ватанпарвар инсонлар бўлиб улгаймоқдаки, бу беихтиёр қалбимизни турсун ва ифтихорга тўлдирди. Бунинг замирида, шубҳасиз, таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳамда фидойи устоз-мураббийларнинг чексиз меҳнати мужассамдир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, мамлакатимизда мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида таълим ва тарбия, фан соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Эро, давлатимиз раҳбари "Таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айна вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди", дея таълимнинг аҳамияти нақадар бекхёёс эканлигини таъкидлайдилар.

Барчага аёнки, қайси замонда илму фанга, маданиятга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, ўша даврда тараққиёт бўлган, фаровонлик юз берган, халқнинг маънавияти юксак даражага кўтарилган. Бугун ҳам шундай. Холисона фикрлайдиган бўлсак, ҳеч бир замонларда таълим-тарбияга, фан ва ижодга ҳозиргидек эътибор бўлмаган. Шу боис истиклолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишдек гоят муҳим ва мураккаб ишга киришилди.

Таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Қонун ва Дастур талабларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Яқинда мабутодта эълон қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ёшларимизнинг чет тилларини ўрганиш ва ўқитишнинг комплекс тизимини яратишга имкон яратди, деб ўйлаймиз. Жумладан, қарор асосида чет тиллар ўқитувчиларини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига қўра такомиллаштирилади. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илгор усулларини жорий этиш билан чет тилларни ўрганиш йўлга қўйилади. Чет тилларда мультимедиа ҳамда электрон дарсликлар тайёрланади. Бу эса чет тил ўқитишнинг сифатини ошириш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциясини кучайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Қарорга қўра, барча умумтаълим мактабларида чет тилларни ўрганиш биринчи синфдан бошлаб босқичма-босқич амалга

оширилиши назарда тутилмоқда. Олий таълим муассасаларида эса айрим махсус фанлар, техник ва халқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилиши белгиланмоқда. Бундай ўқитиш тизими чет тилларни чуқур ўрганиш, сўзлашув кўникмаларини ҳосил қилиш, жаҳондаги воқеликлар, таълим-тарбия ва илм-фан соҳасидаги кашфиётлар, илмий янгиликлар билан тўғридан тўғри танишиш имконини яратади.

Чет тилларни эркин, мустақил ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чет тилини ўрганиш билан боғлиқ энг зарур материалларни Интернет тармоғи орқали жойлаштириш ўрганиш-ўқитишга кенг шароит ва имконият яратади. Кишлоқ жойлардаги чет тиллари ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж ҳисобга олинган ҳолда аҳоли ичидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида чет тиллари ўқитувчилари ихтисослигига олий таълим муассасаларига мақсадли қабулларнинг ташкил этилиши чет тиллари ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж таъминлашга хизмат қилади.

Қарорда кишлоқ жойларда жойлашган таълим муассасалари ўқитувчиларининг тариф ставкаларига 30 фоиз ва бошқа таълим муассасалари ўқитувчиларига 15 фоиз ҳар ойда қўшимча-лар қўшилишининг белгиланиши нафақат чет тилларни ўқитишнинг сифатини оширади, балки ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга, уларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган ғамхўрликдир.

Мазкур қарорнинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий аҳамияти "тил — дилнинг калити", "тил билган — эл билади" ибораларининг чуқур маънолари билан ҳамоханг эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзга тилларни билиш халқимизнинг илмий-тарихий меросини ва эришилган ютуқларни, мамлакат миллий манфаатларини, миллий тарих ҳамда халқ аъналарини бутун дунёга кенг тарғиб қилишга имкон яратади. Бу эса Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳаракат дастуридаги асосий вазибалардан биридир.

1995 йилгача республикамиз мактаб ўқувчилари бирорта ҳам халқаро фан олимпиадаларида белгиланган вазибалар ижроси, электротат манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва фракциянинг парламентдаги фаолияти юзасидан ахборот берди.

— Ўтган даврда Олий Мажлис томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди. Парламент қўйи палатасида қонун ижодкорлиги билан шуғулланаётган ЎзМТДП фракцияси аъзолари қабул қилинаётган қонунларда сайловчилар ва партиянинг электротати манфаатларини ифода этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, ЎзМТДП фракциясининг бир гуруҳ аъзолари томонидан тайёрланган «Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раисининг қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун юртимизда сайлов эркинлиги принципларини таъминлаш ва соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, ЎзМТДП сайловда Платформасида илгари сурилган жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги вазибалар ижросида ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз.

Абдуғафур МАМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу борада партия Марказий Кенгаши томонидан "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури"нинг ижроси ҳолатини ўрганиш, "Миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш", "Худудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" сингари ўрта лойиха маҳаллий кенгаш депутатлари учун дастур сифатида тақдим этилган. Ҳўш, бу борадаги ишлар маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан қай даражада адо этилаётган? Улар партия дастурий мақсадларида устувор этиб белгиланган, айна чоғда, ўз электротати манфаатларига мос бўлган бу соҳадаги ишларни ўрганиш, муаммоларга елкадош бўлишга эътибор қаратишяптими?

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг ўн тўққизинчи сессиясида ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан "Вилоятда миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор, Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг жойлардаги ижросининг ҳолати ҳақида"ги масала кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан депутатлик гуруҳи раҳбари Баҳодир Шарафова маъруза қилди. — Ушбу масалани кўтариб чиқишдан асосий мақсад чекка худудларда ҳам хунармандлар фаолиятини ривожлантириш, вилоятнинг бирча туманларида "Хунармандлар" уюшмалари тузиш, "Устоз - шогирд" мактабларини кўпайтириш орқали касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ҳар йили ўтказиладиган "Наврўз" умумхалқ байрами кунларида "Хунармандлар кўргазмаси"ни ташкил этишдан иборат, деди нотик.

Сессияда депутатлар томонидан ушбу масалаларнинг ечимига қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди. Таъкидланганидек, бугунги кунда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда самарали ишлар олиб бормоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадийий хунармандчилик ва амалий санъатини янада ривожлантиришнинг давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни худудда хунармандчилик ва халқ амалий санъатининг ривожланишида муҳим дастурилик бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, тарқоқ хунармандлар уюшма атрофида бирлаштирилиб, даромад солиғидан, ўз маҳсулотларини четга олиб чиқишда божхона тўловларидан озод этилдилар. Фармон асосида 300 нафардан ортиқ хунармандлар устахона қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Шаҳар ва туман бозорларида алоҳида хунармандлар расталари қурилиб, жиҳозланди.

● МУЛОҚОТ

Сайловчилар билан учрашувлар

УНДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ АСОСИЙ МАВЗУГА АЙЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, партияимиз сайловда Платформасида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада партия электротати бўлмиш хунармандчилик қўллаб-қувватлаш, "Устоз-шогирд" аънасанаси ривожлантириш, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш мақсадида ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Республика "Хунарманд" уюшмаси билан ҳамкорликда жойларда "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусида амалий семинарлар ташкил этилди. Жумладан, партиянинг Хоразм, Андижон, Самарқанд ва Наманган вилоят ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашларида ўтказилган тадбирларда 100 нафардан ортиқ хунарманд ва тадбиркорга умумий миқдори қарийб 3 млрд сўмлик имтиёзлар кредитлар учун сертификатлар берилди. Бу, ўз навбатида, чекка худудларда оилавий бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайишида муҳим аҳамият касб этади, деди партия раҳбари.

● ПАРТИЯ ДАСТУРИ — АМАЛДА



ЎзМТДП депутатлик гуруҳи

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА МИЛЛИЙ ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲАГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ТАШАББУС БИЛАН ЧИҚИШДИ

сиди 300 нафардан ортиқ хунармандлар устахона қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Шаҳар ва туман бозорларида алоҳида хунармандлар расталари қурилиб, жиҳозланди. Бугунги кунда Республика "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда 797 нафар аъзо бўлиб, улар хунармандчиликнинг 23 йўналиши бўйича фаолият олиб бораётган. Хунармандчилик соҳасининг ривожланишида "Устоз-шогирд" мактабларининг ташкил қилиниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнги уч йил мобайнида бу мактабларни соҳага қизқувчи 415 нафар йигит-қиз тугатиб, ўндан зиёд хунарни лухта эгалладилар.

Самарқанд шаҳрида кенг миқёсдаги қурилиш ишлари натижасида Тошкент кўчаси

қайта таъмирланиб, хунармандлар учун замонавий, миллий меъморий кўринишдаги устахона ва савдо дўконлари барпо қилинди. Кўча бошланғичдаги икки қаватли бино қайта таъмирланиб "Самарқанд хунармандлар маркази" ташкил этилди. Ушбу бинода 16 та замонавий устахона фаолият олиб бораётган. Уларда етук устоз хунармандлар билан бир қаторда истеъдодли ёшлар ҳам меҳнат қиляптилар. Марказда касб-хунар коллежларида ёғоч ўймакорлиги, заргарлик, туризм соҳасида таълим олаётган талабалар амалиёт ўташлари учун ҳам шарт-шароитлар яратилган. Шаҳарнинг Рудакий кўчасида жойлашган темирчи хунармандлар растасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 14 та янги устахона

барпо этилди. Рўҳобод ёдгорликлар мажмуасидаги хужралар таъмирланиб, "Рўҳобод хунармандлар маркази" номи билан иш бошлади.

Бугунги кунга келиб 245 нафар хотин-қизлар уюшмага аъзо бўлиб, хонадон шароитида хунармандчилик билан шуғулланиб келмоқдалар. Самарқандлик хунармандлар хорижий мамлакатларда бўлиб ўтадиган ўнлаб кўргазма ва танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Миллий либослар тикувчиси Наргиза Бекмухаммедова Американинг Сан Тафе ва Италиянинг Милан шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, муносив ўринларни эгаллади. Иқтидорли куллар Худойберди Қакбердиев ва Холмаҳмад Исмаилов Голландиянинг Гауда, Милс-Бейтс, Германиянинг Берлин, Франкфурт шаҳрида бўлиб ўтган кулчилик кўргазмаларида қатнашиб, ўзбек миллий

кулчилик санъати намуналарини тарғиб қилдилар.

Сессияда ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари соҳада амалга оширилган кенг қўламли амалий ишлар билан бир қаторда ҳали ечимини кутаётган айрим муаммоларга ҳам депутатлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари эътиборини қаратишди. Бу эса Самарқандлик хунармандлар учун янада кенг имкониятлар яратиш, иш ўринларининг кўпайишига олиб келади.

Йиғилишда мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда соҳага оид қамчиликларни бартараф этишга қаратилган муҳим вазибалар белгилаб олинди.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

лов округидан сайланган депутат, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шўхрат Деҳқоновнинг сайловчилар билан учрашувларида ҳам бунинг асосий мумкин. Депутат Мингбулоқ туманидаги "Гуртупа", "Довдук", "Чордана" маҳалла фуқаролар йиғинлари, Наманган туманидаги "Ғирвон", "Хонабод" кишлоқ фуқаролари йиғинларида яшовчи сайловчилар билан юзма юз мулоқот ўтказди. Учрашувлар чоғида асосий эътибор мамлакатимиз Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир" номли маърузасида белгилаб берилган асосий йўналишларни фуқаролар орасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш, жорий йил якунлари, "2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури"да белгиланган аниқ мақсадларга еتكизиш масалаларига қаратилди.

— Истиклол йилларида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг жойларда муваффақиятли тарзда кечяётганлиги аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишида ўз ифодасини топмоқда, деди депутат. ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мавзуда Ражабова. — Айниқса, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган гоя ва ташаббусларнинг ижроси таъминланаётгани мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқмоқда. Мазкур жараёнда депутатлар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланди. Хусусан, сайловчилар ишончини оқлаш, электротат манфаатларини ҳимоя қилиш депутатнинг

нафақат вазифаси, балки бурчи ҳамдир.

Сайловчилар билан учрашувлар чоғида худудий масалалар, айниқса, жойларда миллий хунармандчилик ва халқ амалий санъати соҳасида фаолият юритаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг қоний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, бу борада маҳаллий ҳокимликлар ва "Хунарманд" уюшмаси томонидан қадриятларимиз давомчилари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашишга доир масалалар муҳокама қилинди.

108-Хазорасп сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат Сарвар Отамуратов сайловчилар билан Хазорасп туманида ўтказган учрашувида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қонун ижодкорлиги фаолияти юзасидан амалга оширилган ишлар, бу борада сиёсий партиялар фракцияларининг соғлом рақобатга асосланган ўзаро кураши хусусида ахборот берди. Учрашувларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари олиб бораётган сый-ҳаракатлар, партиянинг сайловда Платформасида кўзда тутилган мақсад-муддаоларни рўёбга чиқариш, партия электротати манфаатларини қонунларда ифода этилиши борасида сўз борди. Бундан ташқари "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳам атрафлича таҳлил этилди.

ЎзМТДП фракциясининг барча аъзолари жойларда бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишди. Савол-жавоб ва ошқ мулоқот шаклида ўтган учрашувлар жараёнида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар хусусида кенг тушунча ва маълумотларга эга бўлдилар.

Қамолiddин САИДУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Партия гоё ва мафкураси

УНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз ўз маърузасида минтақадаги мавжуд вазиятга муносабатини билдириб, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий принципларини баён этди. Бу Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги — умуммиллий гоёси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган йўлни қўллаб-қувватлашни мақсад қилган партияимиз фаоллари масъулиятини янада оширади.



Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда. Мазкур жараёнда сиёсий партиялардан янада фаоллик талаб этилади. Шу боис ўқув курси тингловчилари партия мафкураси ва гоёсини тарғиб қилишнинг янги усул ва ёндашувларини жорий этишга қаратилган долзарб мавзуларда маърузалар тинглади. Жумладан, тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев "ЎзМТДПнинг асосий мафкуравий ва гоёвий мақсадлари ҳамда уларни тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш" мавзусида маъруза қилди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий дастурий, мафкуравий ва гоёвий мақсадлари ҳақида гапирганимизда, аввало, миллий анъаналарни, қадриятларни сақлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фан-техника тараққиёти ҳамда Ўзбекистоннинг глобаллашиб бораётган жаҳонда муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш, биз фахрланадиган миллий анъаналар ва қадриятларимизни сақлаб қолиш тарафдорлари бўлган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш сингари вазифалар кўз олдимизда гавдаланади. Партия мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий гоёни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида анъаналарни тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Ушбу ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама қўмаклаштириш олдимизда турган муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозир глобаллашиб бораётган дунёда Ўзбекистон миллий манфаатларини тарғиб қилиш, минтақада ва мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, турли сиёсий-мафкуравий таҳдид ҳамда хавфлардан одамлар онгини асраш, айниқса, ёшлар қалбига мафкуравий иммунитетни шакллантириш, тарихий мерос, миллий қадрият ва анъаналаримизни, миллий турмуш тарзини асраб-авайлаш сингари долзарб вазифалар олдимизда турганлигини партияимиз аъзолари чуқур англаган ҳолда фаолият кўрсатишмоқда, - деди нотиқ.

Бугунги кунда партияимиз Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девонида жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими ташкил қилинган ва барча ҳудудий партия ташкилотларида шу соҳа бўйича етакчи мутахассис фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, босма оммавий ахборот воситалари бўлган газета ва журналлар, электрон оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио ва интернет тармоқларидан партияимиз фаолиятини самарали тарғиб-ташвиқ қилишда кенг фойдаланмоқдамиз. Бу борадаги фаолиятимизни ҳам замон талаблари билан уйғун ҳолда мунтазам тақомиллаштириб боришимиз зарур.

Партияимизнинг матбуот наشري — "Миллий тикланиш" газетаси ЎзМТДПнинг асосий гоёвий ва мафкуравий воситаси ва курали сифатида шаклланиб бормоқда. Газета партияимизнинг барча аъзолари учун очик минбардир. Унда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари, партияимиз аъзолари ичидagi барча соҳа вакил-

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Электрат манфаатларини ҳимоя қилиш

ПАРТИЯ НУФУЗИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИ АЙЛАНМОҚДА

Бугунги кунда Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилиб, улар орасида миллий хунармандчиликнинг бешикчилик, каштачилик, касаначилик ва ёғоч ўймакорлиги каби турлари билан мунтазам шугулланиб келаётганлари ҳам кўлаб топилди. Алоҳида эътироф этиш жоиз, аҳолисининг меҳмондўстлиги туфайли юртошларимизга маълуму машҳур шахар кундан-кунга чирой очиб, турмуш тарси фаровонлашиб, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб бораёттир.

Ўз сафида 350 нафар аъзони бирлаштирган ЎзМТДП Ширин шаҳар Кенгаши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида шаҳардаги давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаол иштирок этишга интилмоқда. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 5 нафар депутат ҳамда 16 та бошланғич партия ташкилоти ҳам ЎзМТДП мақсад ва вазифалари тарғиботи йўлида самарали фаолият юритмоқда.

Ширин Энергетика ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи қошида ташкил қилинган бошланғич партия ташкилоти ана шундай эзгу мақсадлар йўлида партия сайловли Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатаётган куйи бугунлар сирасига қиради.

— 195 нафар партия аъзосини бирлаштирган бошланғич партия ташкилоти ЎзМТДП мақсад ва гоёларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилишда

маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Анвар Эгамбердиев. — Шу боис куйи бугун томонидан ташкил этилаётган ташкилий-партиявий, маданий-маърифий тадбирларда шахар аҳолиси фаол иштирок этишга ҳаракат қилади. Жумладан, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар, Президент асарлари мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирларда аҳолининг эътиборини ва манфаатларидан келиб чиқадиган маърузаларнинг тақдим этилиши партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига замин яратмоқда.

— ЎзМТДП гоёлари, сайловли Платформасида белгиланган эзгу мақсадлари миллий маънавиятимиз ривожига бекиёб ҳисса қўшаётгани ва менинг қарашларимга мослиги туфайли партияга аъзо бўлишим, — дейди ЎзМТДП аъзоси Эзра Аюлова. — Хусусан, партия Уставига белгиланган:

"Ўз сафида ватанпарварларни бирлаштириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини Ўзбекистон манфаатларини ҳамда унинг обрў-эътиборини ошириш йўлида сафарбар этиш..." каби жумлалар партиянинг ҳар бир аъзосини мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларда фаол иштирок этишга даъват этади.

Таъкидлаш жоизки, бошланғич партия ташкилоти "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси юзасидан партия мақсад ва гоёларидан келиб чиққан ҳолда оилани ҳуқуқий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила маънавиятини юртимиз турмуши оқиб бўлади. Айнан шундай эзгу мақсадлар йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга қўмаклашиб келаётган ЎзМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотлари, куйи бугунлари ҳамда барча даражадаги депутатлари иш фаолияти учун бу йил самарали бўлиши шубҳасиз.

— Юртимизда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг ҳуқуқий механизми яратилиши сиёсий партиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда фаоллаштириш имкониятларини кенгайтириш, — деди биз билан сўхбатда ЎзМТДП Ширин шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Улуғбек Норматов. — Бу жараёнда, айниқса, куйи бугунлар фаолияти муҳим саналади. Шу боис бош-

этилиши тадбирларнинг мазмунли ва савияли ўтишига ҳизмат қилмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз раҳбарини кириб келаётган йилни мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилганини куйи бугун аъзолари мамнуният билан қарши олдилар, — дейди А.Эгамбердиев. — "Мустаҳкам оила йили"нинг мантқиқий давоми сифатида эълон қилинган йил биз етакчиларга ҳам катта масъулият юклиши табиий. Бойси, миллий қадрият ва анъаналар эъзозланган, миллий хунармандчилик ривож топган юртимиз турмуши обод бўлади. Айнан шундай эзгу мақсадлар йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга қўмаклашиб келаётган ЎзМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотлари, куйи бугунлари ҳамда барча даражадаги депутатлари иш фаолияти учун бу йил самарали бўлиши шубҳасиз.

— Юртимизда кўппартиявийлик тизимининг шаклланиши ва унинг ҳуқуқий механизми яратилиши сиёсий партиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда фаоллаштириш имкониятларини кенгайтириш, — деди биз билан сўхбатда ЎзМТДП Ширин шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Улуғбек Норматов. — Бу жараёнда, айниқса, куйи бугунлар фаолияти муҳим саналади. Шу боис бош-

Бўрибой САРИБОВЕВ,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари вазифасини бажарувчи:

— ЎзМТДП фаолиятини янада тақомиллаштиришнинг замонавий услублари ва истиқболга бағишланган ушбу ўқув-семинар долзарблиги билан партияимиз ходимларининг савиясини оширишга хизмат қилади. Жумладан, семинар давомида Юртобшимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси юзасидан ҳам алоҳида ўқув машғулоти ташкил қилинган айни муддао бўлди. Унда келгуси "Обод турмуш йили"да қабул қилинадиган давлат дастуридаги устувор вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди. Хусусан, юртимизда тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидай асраш, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш каби вазифалар ЎзМТДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканлиги зиммамизга алоҳида масъулият юклиди.

Мақсуда ПОЯНОВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти" етакчиси:

— Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловли Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Мазкур ўқувда соҳа мутахассислари, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳуқуқшуносларнинг маърузаларидан олган билим ва кўникмаларимиз партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш, хусусан, партия "Аёллар қаноти" фаолиятини янада кучайтириш, янги босқичга олиб чиқишда бизга қўл келиши шубҳасиз.

Орифхўжа МЕЛИЕВ,
ЎзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши етакчи мутахассиси:

— Ўқувда ЎзМТДП фаолиятини янада тақомиллаштириш, куйи бугунлар ишнинг жадаллаштириш бора-сида берилган маълумотлар фаолиятимизда асқотади. Айниқса, етакчи учун зарур бўлган нотқиқлик санъати ҳақида янги билим ва кўникмалар олдик. Бундан ташқари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати, халқаро вазият борасидаги маърузалар ҳам долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Аслиддин ҚЎШБОҚОВ,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Фаолиятимизда ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қатор тадбирлар, учрашув ва давра сўхбатлари ташкил этиб келмоқдамиз. Хусусан, "Мустаҳкам оила" йили давлат Дастурига мувофиқ ёш оилалар иштирокида давра сўхбатлари ташкил қилиниб, кўрик-танловлар ўтказилди. Оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни йўлга қўйиш орқали қўллаб ёшлар, ёш оила вакиллари иш билан таъминланди. Бундан ташқари, партияимиз турли ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиб, ишсизлар сонининг камайишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

ЎзМТДП вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаоллари турли танловларда совринли ўринларга сазовор бўлишмоқда. Бу каби амалий ишларимизни янги босқичга кўтариш, келгуси йилда янада фаол ҳаракат қилишимизда мазкур ўқув-семинар муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Хусусан, ўқув мобайнида ёшлар билан ишлашнинг замонавий услублари тўрғисидagi маърузалар "Ёшлар қаноти" фаоллари учун айни муддаодир.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ХРОНИКА

Аёллар фаоллигини ошириш

ЎзМТДП ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилган тадбирларнинг бош мавзуси бўлди

НАВОИЙ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Маҳаллаларда касаначилик ва хунармандчиликни ривожлантириш — ЎзМТДП эътиборида" мавзусида давра сўхбати ташкил этилди. Унда партия Навоий вилоят ва шаҳар Кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари, маҳалла фаоллари ва "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган юксак эътибор туфайли соҳанинг муҳим йўналиши бўлган оилавий бизнес жадал суратларда тараққий этмоқда. Хусусан, замонавий корхоналар қаторида ноёб хунармандчилик маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган кичик бизнес субъектлари учун ҳам қўлай шароитлар яратилди. Бу борада ЎзМТДП ҳудудий партия ташкилотлари томонидан маҳаллаларда ўтказилаётган тадбирлар оилавий тадбиркорлар, касаначилар ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтириш, имтиёзли банк кредитларининг ажратилиши, соҳага оид қўнунчиликдан бохабар бўлиш имконини бермоқда.

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда миллий хунармандчилик ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли қадриятларимиз давомчилари салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда, — деди халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат К.Нурмуродов. — Эътироф этиш жоизки, миллий хунармандчилик, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанасини давом эттириш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳаллий маҳсулотларни жаҳон истеъмол бозорига олиб чиқиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастури ва сайловли Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Соҳага оид қўнунлар ижроси юзасидан депутатлик назорати олиб бориш, маҳаллий кенгашлар сессияларида электротат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслар билан чиқиш олдимизда турган долзарб масаладир.

Мулоқот доирасида вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳам миллий хунармандчиликни ривожлантириш, маҳаллаларда оилавий тадбиркорлар сонини кўпайтириш, бунга кўпроқ ёшларни жалб қилиш, "устоз-шогирд" анъанасини давом эттириш борасида тақли ва мулоҳазалар билдирилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мақевини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қўнунли манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, кичик хатан саналмиш оила мустаҳкамлиги, жамият барқарорлигини таъминлашда аёлларнинг ҳиссаси катта.

ЎзМТДП Чимбой туман Кенгаши томонидан "Аёллар маънавияти — баркамол авлод тарбиясининг муҳим омили" мавзусида давра сўхбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари Чимбой туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, «Камолот» ЕИҲ Чимбой туман Кенгаши бўлими ва туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирни партия Чимбой туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси В.Ембергенова кириш сўзи билан очиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ташаббуслорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган бу каби тарғибот ишларини янада кучайтиришни таъкидлади: — Хонадонимизга меҳр-муҳаббат, эзгулик шуқуқини олиб қирадиган, файзу-барока келтирадиган зотлар — мунис опа-сингилларимиздир. Шу боис ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловли Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёш қизларни миллий анъаналар ва маънавий меросимизга асосланган оилавий ҳаётга, баркамол оналикга тайёрлашимиз лозим. Шунингдек, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак, — деди нотиқ.

Давра сўхбатига сўзга чиққанлар истиқлол йилларида аёлларнинг истеъдоди, билим ва интилишларини рўёбга чиқариш, қўнунли ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, уларнинг жамиятда, оилада, ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштироки ва ўрни янада ошиб бораётганини эътироф этишди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Куйичирчиқда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" ташаббуси ҳамда партия Тошкент вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ҳамкорлигида "Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг ўрни" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" фаоллари, ЎзМТДП Тошкент вилояти ва Куйичирчиқ туман Кенгаши ходимлари, халқ депутатлари Куйичирчиқ туман Кенгашига партияимиздан сайланган депутатлар, тумандаги "Нихол-Агротехсервис" хусусий корхонаси ходимлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

— Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда ке-чаётган демократик жараёнларда фаол иштирокини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, — деди партия Куйичирчиқ туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Халиқова. — Бу борада ҳудудий партия ташкилотлари томонидан жамиятнинг асосий бўғини саналган оила институтини мустаҳкамлашга қўмаклашишга қаратилган қатор тадбир, давра сўхбати ҳамда учрашувлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбир шу йўналишдаги ишларнинг мантқиқий давоми сифатида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар "Ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари", "Мамлакатини модернизация қилиш ва жамиятнинг демократлаштиришда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини кучайтириш" "Юксак маънавиятли оила — ЎзМТДП нигоҳида" каби мавзуларда ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловли Платформасида хотин-қизлар масаласида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этишди.

— Бу каби учрашувларнинг ташкил этилиши, энг аввало, хотин-қизларнинг сиёсий, ҳуқуқий билими ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларда етакчилик қобилиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, — деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўлими бошлиғи Х.Зокирова. — Бугунги кунда партияимиз "Аёллар қаноти" ЎзМТДП дастурида илгари сурилган устувор вазифаларни бажариш, хотин-қизларда етакчилик қобилиятларини ривожлантириш, ёш қизларнинг келажақда оила ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига қўмаклашиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизлар иштирокини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, етакчи аёллар захирасини шакллантириш, аёллар ўртасида оилавий бизнес, касаначилик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш "Аёллар қаноти"нинг энг муҳим вазифасига айланган.

Ўз мухбиримиз


РЕКЛАМА ЎРНИДА



**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ
СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛ ЖАМОАСИ**

Янги 2013 йил

**билан самимий ва қизғин қутлаб,
яратувчанлик ва бунёдкорлик
ишларингизга улкан муваффақият,
хонадонларингизга қут-барака,
тинчлик-хотиржамлик ва
бахту иқбол тилайди.**



**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ
2013 йил 24 январь кuni аукцион
савдоларини ўтказди**

Аукцион савдоларига Тошкент вил., Олмалик шаҳри, Саноат ҳудудида жойлашган, «AMMOFOS MAXAM» ОАЖ балансидаги 1996й. и/ч, д/р 10/289BAА, бошланғич нархи 5 076 100 сўм бўлган «ГБА-СНГ ГАЗ-31029» русумли; Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Мўминов кўчаси, 13-уйда жойлашган, «O'ZEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASINING ASOSIY KUTUBXONASI» балансидаги 1990й. и/ч, д/р 10AA218, бошланғич нархи 2 193 700 сўм бўлган «ГАЗ-2410» русумли; Тошкент ш., Хамза тумани, Строительная кўчаси, 1-уйда жойлашган, «O'Z-ZOOVETTA MINOTIЗMAT» РБ балансидаги 1998й. и/ч, д/р 01/556MBA, бошланғич нархи 1 100 000 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 86-уйда жойлашган «Toshkent kislorod zavodi» ДК тасарруфидagi 2002й. и/ч, д/р 01/648YBA, бошланғич нархи 5 039 605 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 24-уйда жойлашган Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси балансидаги 1998й. и/ч, д/р 01/753WBA, бошланғич нархи 4 427 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102» русумли; Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Қорасу 4-мавзеси, 11-уйда жойлашган, Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти балансидаги 1995й. и/ч, д/р 01/852GBA, бошланғич нархи 2 080 100 сўм бўлган «BA3-21061» русумли; Тошкент ш., Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уйда жойлашган, «Тошкент шаҳар уй жойларга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази» ДУК балансидаги 2001й. и/ч, д/р 01/425LCA, бошланғич нархи 3 478 785 сўм бўлган «Тико» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Фаробий кўчаси, 383 уйда жойлашган, Республика онкология илмий маркази балансидаги 1997й. и/ч, д/р 10AG087, бошланғич нархи 3 947 300 сўм бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқ-

доридagi закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўлуғлигига қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқоридagi белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқоридagi кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2012 йил 22 ноябрь, 6 ва 13 декабрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Тошкент вилояти йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси балансидаги д/р 10/101KAA бўлган «Нексия GLE» 13 100 000 сўмга, д/р 10/818KAA бўлган «Нексия» 10 300 000 сўмга, д/р 10/055CAA бўлган «Нексия» 10 500 000 сўмга; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази балансидаги д/р 10AK685 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситалари 10 500 000 сўмга ҳамда «Тошметроқурилиш трестининг механизация бошқармаси» ДК балансидаги д/р 64-49EЦ бўлган «SL-200 W-III» русумли эксковатор воситаси 31 100 000 сўмга сотилганлиги маълум қилинади.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ
“ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ”
ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

*Жонажон Ўзбекистонимизнинг бағри кенг,
меҳнатсевар, саховатли халқини*

**Янги 2013 –
“Обод турмуш йили”**

билан табриклайди.

*Ватан равнақи, турмуш ободлиги йўлида
қилаётган саъй-ҳаракатларингизга
муваффақиятлар тилаймиз.*

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОНКОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимиз ва тиббиёт соҳасида хизмат
қилаётган ҳамкасбларимизни

2013 йил

билан самимий муборакбод этади ҳамда энг эзгу
тилақларини билдиради.

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи,
халқ саломатлиги йўлида олиб
бораётган эзгу ишларингизда омад тилаймиз.



● ЎЗЛИК

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки кунлардан бошлаб маънавий ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Миллий меросимиз, анъана ва қадриятларимиз қайта тикланиб, миллий ўзликни англаш гоёси илгари сурилди.

Миллий қадриятлар

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

Бу борада, айниқса, ёшлар маънавиятини бойитиш, уларни ўз шахсий манфаатини халқ ва ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладиган, ўз кучи ва ақлига ишонадиган комил инсонлар қилиб тарбиялаш муҳим вазифаларимиздандир. Буюк бобокалонларимиз меросини давом эттириш, ёшлар онгига ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, юксак маънавиятли, жисмонан етук ва соғлом авлодни тарбиялаш юртимиз келажагига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик неъматини сифатида ўзликимизни англаш, асрий қадриятларимизни тиклаш жараёнида минглаб буюк аждодларимиз номлари ва уларнинг маънавий мероси қайта тикланди. Шунингдек, меъморий обидалар, тарихий қадамжолар, бобокалонларимизнинг ёдгорлик мажмуалари, зиёратгоҳ масканлар қайта таъмирланиб, янгича чирой касб этиб бормоқда. Биргина Амир Темури номи абадийлаштириш мақсадида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейини оладиган бўлсак, бу ерга келган ҳар бир ёш Амир Темури ва темурийлар хотирасига ҳурмат ҳиссини туйиши табиий. Амир Темурининг давлатчилик ва бошқарувда қолдирган буюк мероси, сиёсатда инсонпарварлик,

жамиятда адолат тантана қилиши учун кураш олиб борганини ёшлар онгига синдиришда ушбу музейнинг аҳамияти катта.

Бундан ташқари Хотира хиёбони ва "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи ёшларда нафақат марҳумлар хотирасини ёд олишни, балки ватан туйғуси, унинг хавфсизлиги, ҳимояси учун доимо шай туриш, келажак авлодлар олдида масъул эканлигини ҳис этишга ёрдам беради. Бундай зиёратгоҳларга ташриф асносида ёшлар аждодлар руҳига ҳурмат, юртимизни обод қилиш мақсадида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан фахрланиш ҳиссини туйдилар.

Ҳар бир миллат ўз қадриятларини яратувчиси, асраб-авайловчиси ва келажакка етказувчиси саналади. Ёшлар маънавиятини бойитишда улар онги ва қалбида маънавий қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни шакллантириш муҳим. Ўз миллий қадриятларини ҳурмат қилган, эъзозлаган инсонгина ватанпарвар, шу халқ вакили, деган номга сазовор бўлади. Бу туйғуни ўсиб келаётган ёш авлод онгига шакллантириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
ЎзМТДП Шеробод туман
Кенгаши Ижроия
Кўмитаси раиси

Истиқболли ёш педагоглар

"ИСТЕЪДОД" ЖАМҒАРМАСИНИНГ
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси томонидан истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги Фармони асосида ташкил этилган жамғарма Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида мамлакатимизда ўзлуксиз таълим тизими ҳамда илм-фан тараққиётининг устувор ва истиқболли йўналишларини жаҳон амалиётида қўлланаётган юқори технология ва фан ютуқлари асосида ривожлантириш, ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш ва тажриба алмашув тизимини такомиллаштириш, уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш ва юксалтиришга кўмаклашиб келмоқда.

Бугунги кунда Жамғарма базасида 34 та ўқув дастури асосида ташкил этилган курсларда 10107 нафар истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар ўз малакасини оширди. Жойларда ташкил этилган сайёр курс ва ўқув семинарларида 843 нафар педагог ва илмий кадрлар малака ва кўникмаларга эга бўлди. Жамғарма базасида масофали ўқитиш тизим ҳам йўлга қўйилган бўлиб, жойларда 577 нафар истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар мазкур курсларда таҳсил олишди. Айни пайтда марказда масофали ўқитиш курсларида рўйхатдан ўтган 4323 нафар педагогнинг 1533 нафари курсни муваффақиятли якунлади.

— Жамғарма базасида ишлаб чиқилган кўп босқичли малака ошириш тизимининг такомиллаштирилиши, педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш самарадорлигига хизмат қилади. Дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтганлар учун махсус дастур асосида мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилди. Ушбу курсларни муваффақиятли тугатган 20 нафар ўқинчи босқич тингловчилари Шанхай университетиде (Хитой) бир ойлик муддат билан малака ошириб, тажриба алмашиб қайтди. Худди шу университетда малакасини оширган тўртинчи босқич тингловчиларидан эса махсус гуруҳ тузилди. Улар мамлакатимиздаги таълим муассасаларига бориб, педагог-кадрлар ва талабалар ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб боришмоқда, — дейди Жамғарма қошидаги масофали ўқитиш маркази раҳбари, педагогика фанлари доктори, профессор Абдуқаҳҳор Абдуқодиров.

Матбуот анжумани ниҳоясида журналистларни қизиқтирган барча саволларга тажрибали мутахассислар томонидан жавоб берилди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

ФАРҒОНА МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ ОАЖ ЖАМОАСИ

Ватандошларимизни ўлкамизга кириб келаётган

"ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ"

билан қизгин табриклайди.

Янги йилда юртимиз тинч-осуда, дастурхонимиз тўкин-сочин,
келажакимиз бундан-да ёруғ ва порлоқ бўлсин.

2013 ЙИЛ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ БУХОРО ВИЛОЯТ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган

2013 йил

билан қизгин муборакбод этади.

"Обод турмуш йили" диёримизда
тинчлик ва осойишталик, қут-барака олиб келсин.

БАЙРАМ МУБОРАК!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Сўнган вулқонлар яна ҳаракатда

ВУЛҚОНЛАРНИНГ УЙҒОНИШИ ИНСОНИАТ УЧУН ЖИДДИЙ ХАВФ-ХАТАР ТУҒДИРИШИ ТАБИИЙ. ЎТГАН ЙИЛИ ИСЛАНДИЯДАГИ ГРИМСВОТИ ВУЛҚОНИ ҲАРАКАТГА КЕЛИШИ ОҚИБАТИДА НАФАҚАТ ЕВРОПА, БАЛКИ ЖАҲОННИНГ ЎНЛАБ МАМЛАКАТЛАРИ ЭКОЛОГИЯСИГА ЗИЁН ЕТГАНДИ, КЎПЛАБ ХАЛҚАРО АВИАКОМПАНИЯЛАР МИНГЛАБ ПАРВОЗЛАРНИ БЕКОР ҚИЛГАН



сўнги уч асрда 250 минг киши унинг қурбонига айланган. Афсуски, ҳозир ҳам офатни олдиндан башорат қилишнинг иложи йўқ. Шу боисдан инсоний талофатлар кўп бўлаётди. Индонезияда 75 минг йил илгари юз берган вулқон отилишлари сайёрамиздаги кўплаб тиррик мавжудотларнинг қирилишига сабаб бўлган.

Бронза асрида Эгей денгизидagi Санторин вулқони бутун Ўрта ер денгизи соҳили иклимини ўзгартириб юборди. Санторин Крит оролидан 95 километр олисликда жойлашган бўлиб, бу ерда 1883 йилнинг 27 августи эрталаб соат 10 да кучли портлаш овозлари эшитилди. Индонезиянинг Суматра ва Ява ороллари бўлиб турувчи Зонд кўрғазидagi Кракатау вулқони уйғониши оқибатида 36 минг 380 кишининг ёстиғини қуритган. 163 та қишлоқ ер билан битта бўлган. Лава бўлаклари 55 километр метр баландликкача кўтарилгани кузатилган. Ана шу воқеадан сўнг орадан тўрт соат ўтгач, Кракатаудан 4 минг 776 километр узоқликдаги Родригес оролида ҳам вулқон портлаши содир бўлди. Ундан чиққан шовқин ер майдонининг 8 фоизида яшовчи аҳолисига эшитилган. Портлаш кучи собиқ иттифоқ томонидан санаб кўрилган водород бомбасидан 26 баробар кучли, Санторин вулқонидан эса уч баробар кучсиз эканлиги ҳақида маълумот тарқатилди. Кракатау вулқонидан чиққан қайноқ лавалар 20 квадрат километр майдонни қоплаган бўлиб, унинг баландлиги тўрт минг 100 метрдан 2 минг 850 метргача пасайди. Ява оролидаги Мерапи вулқони ҳар дақиқада инсонга хавф солиб турибди. 2006 йили рўй берган вулқон отилишида беш минг киши офат қурбонига айланган. Ўшанда 20 мингга яқин киши эвакуация қилинган. Гуволарнинг сўзларига кўра, ўтган йилги машъум воқеада қишлоқлар, фермалар, уй-жойлар бир зум-

300 километр тезликда ҳаракатланиб, экин майдонлари, дарахлар, уй-жойлар, аҳоли ва ҳайвонларни ўз домига тартади. Газ таркибида сув буғи, углекислота ва олинтигургурт, хлор, аммиак каби захарли моддалар борлиги аниқланган.

1815 йили Индонезиядаги Тамбора вулқони ҳаракатга келиши оқибатида унинг кул булутлари Франция ҳудудига ҳам етиб келган. Бир неча кун давомида ҳавони қора булутлар қоплаб қуёш нурини тўсиб қўйганди. Орадан бир йил ўтгач, ана шу нохуш ҳолат такрорланади. 1816 йил "Ёзсиз йил" сифатида тарихда муҳрланиб қолди. Иқлим ўзгариши туфайли табиат ўзининг инжиқлари-кутилмаган соғуқ ҳарорати ва тинимсиз ёнғингарчиликлари билан одамларни "сийлади". 1883 йилнинг августида Кракатау оролидаги вулқоннинг отилиши кучи Хиросимага ташланган атом бомбасидан ўн минг баробар кучли, яъни 200 мега-тоннага етган. Орол кучли портлаш натижасида иккига бўлиниб кетган. Ўшанда юз мингдан ортиқ аҳоли қурбон бўлганлиги кўпчиликка маълум.

Тамбора вулқонидан ташқари, Мон-Пеле (Мартиника), Невадо-дел-Пуи (Колумбия), Везувий (Италия), Ундзэн (Япония), Лаки (Исландия), Килауза (АҚШ) ҳам даҳшатли офатлар кузатишган. Унда 5 мингдан 71 минг нафаргача одам ҳаётдан кўз юмган. Инсоният тарихида 550 мартабага кучли вулқон ҳаракатлари кузатилган бўлиб,

да ёниб қулга айланган. Кўпчиликнинг кўриш қобилияти ёмонлашган ва нафас олиш йўллари ташхиси билан шифохонага ётқизилган. Мерапи вулқонидан тарқалган кул булутлари соати-га 300 километр атрофида ҳаракатланган, 600 даражали қайноқ лавалар атроф-муҳитга жиддий зиён етказган. Маҳаллий ҳукумат аҳолининг зудлик билан кўчиши кераклиги ҳақида огоҳлантирган бўлса-да, кўпчиликнинг киндик қони тўқилган жойини тарқ эмаслиги қимматга тушган. Мерапини "олов тоғи" деб ҳам аташади. Жокьярта вилоятидаги бу вулқон XVI-асрдан бўён одамларга таҳдид солиб келаётди. Маҳаллий аҳоли қолаверса, хорижлик сайёҳлар вулқондан тап тортмай унга яқин келишни одат қилган.

Вулқонлар абадий музликларда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг айримларининг баландлиги тўрт километр, айланаси эса 500 метрни ташкил этади. Италиянинг Сицилия оролида бир неча ҳаракатдаги хавфли вулқонлар ҳамон теварак-атрофга жиддий хавф туғдирмоқда. Этна ана шулардан бири бўлиб, у дунёдаги энг катта вулқонлардан саналади. Мессина ва Катания шаҳарлари яқинида, Ўрта ер денгизи соҳилларида жойлашган вулқоннинг баландлиги хусусида аниқ маълумот йўқ. Этна 1 минг 250 квадрат километр майдонни ишғол этган. Ҳозир унинг 400 та кратерлари борлиги аниқланган. Ҳар уч ойда вулқон ҳаракатга келиб туради. У охири марта ўтган йилнинг май ойи ўрталарида уйғонган эди. Неапол шаҳри яқинидаги Везувий вулқони ҳам ҳамон ҳаракатда. У Апеннин ярим оролидаги учта энг хавфли вулқон сирасига киради. Эраимиздан аввалги 79 йилнинг 24 августидан 1800 йилдан бери мудраб ётган Везувий вулқони уйғониши оқибатида қадимий Помпей, Геркуланум, Стабия шаҳарлари қайноқ қуллар остида қолди. Италия муаррихларининг ёзишича, тунда содир бўлган ушбу ҳодисада айрим маълумотларга кўра, 10 мингдан 25 минг нафаргача одам ҳалок бўлган. Кейинчалик олиб борилган қазилма ишларидан сўнг бир неча метр қалинликдаги қуллар остида тош қотган кўчалар, уй-жойлар, одамлар, ҳайвонлар топилган. Ҳозир Везувий атрофида 3 миллион аҳоли истиқомат қилмоқда.

Азимжон ПЎЛАТОВ

● **Вулқонлар абадий музликларда ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг айримларининг баландлиги тўрт километр, айланаси эса 500 метрни ташкил этади.**

● **Бронза асрида Эгей денгизиде содир бўиб, Санторин номини олган вулқони бутун Ўрта ер денгизи соҳили иклимини ўзгартириб юборган.**

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Экологик тоза

Япониянинг "Ниссан мотор" корпорацияси электр автомобиллари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда.

Хабарларга қараганда, "e-NV200" русумдаги ушбу машиналарни тайёрлаш 2013 йилнинг февраль ойдан бошлаб амалга оширилади. "Ниссан мотор" вакилларининг сўзларига кўра, янги турдаги бундай машиналарни ишлаб чиқаришда экологик тоза батареялардан фойдаланилади.



Фазога кимлар чиқа олади?

Фазогирлар Халқаро фазо станциясида олти ойдан ортиқ бўлмастиклари лозим.

Вазнсизлик ҳолатида мушкул ва суяклар ҳажмининг йўқотилиши бу пайтда шу қадар улканки, инсоннинг фазода бундан ортиқ бўлиши имконсиз. Фазогир ва астронавтлар сингари қаттиқ тайёргарликдан ўтмайдиған фазо туристлари учун бундай парвозлар уларнинг соғлиғига қандай таъсир кўрсатади. Британиялик олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фазога парвоз инсон организми физиологиясини ўзгартиради. Парвозлар пайтида асосан чайқалиш, чарчаш, организмнинг сувсизланиши, ишлашнинг йўқолиши ва бел оғриқлари кузатилади. "Биз бундай парвозлар қандай асоратлар қолдиришини тушунишимиз керак. Вертикал учиб ва қўниш пайтида инсон юраги миёга етарли даражада қон етказиб бериши қийин бўлади. Агар инсонда юрак-қон хасталиклари бўлса, вазият янада оғир кечиши мумкин", - дейди Лондондаги Кингс коллежи профессори Дэвид Грин.



Тўқнашувдан сўнг

Покистондаги аҳоли гавжум жойда портлаш рўй берган.

Маҳаллий хабарларга кўра, мамлакатнинг шимоли-ғарбидаги Жамруд бозорида минлаштирилган автомобилнинг портлаши оқибатида 15 нафардан зиёд киши ҳалок бўлган, 70 дан ортиқ одам яраланган. Ҳозирча бирор бир террорчи ташкилот портлаш учун масъулиятни зиммасига олмаган. Бозордаги портлаш Пешовар аэропорти ва унга яқин ҳудудларда хавфсизлик кучлари ва жангарилар ўртасида кечган тўқнашувлардан сўнг рўй берган. Пешовар аэропорти Жамруд бозоридан 10 километр узоқликда жойлашган.



Қулайлиги эътиборни тортмоқда

Нидерландияда озик-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи супермаркетларда жорий этилган бармок излари ёрдамида маҳсулот харид қилиш усули қулай ва ўзига хослиги билан кўпчилик мутахассислар эътиборини тортмоқда.

Маҳсулот харид қилишнинг мазкур усулига кўра, хариддор савдо марказида рўйхатдан ўтиб, махсус аппаратда бармок изини қолдиради. Бу унинг банкдаги ҳисоб рақамидан савдо қилинган маҳсулотлар нарҳига яраша пул ечиб олиш имконини беради. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, янги усул ҳақиқатан қулай бўлиб, савдо кассаларидан пул ўғирланишининг олдини олади. Савдодаги янги усуллар 2013 йилнинг январь ойдан бошлаб Испания ва Германиянинг айрим супермаркетларида ҳам жорий этилиши кутилмоқда.



Фактларни инкор этиб бўлмайди

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, чекиш оқибатида тўқсон фозиз беморларда ўпка саратони, 25 фоиз беморларда эса турли юрак хасталиклари аниқланган.

Бундай салбий оқибатлар дунё бўйлаб миллионлаб кашандаларнинг ихтиёрий равишда чекишни ташлашига сабаб бўлаётди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамизда тамаки маҳсулотларини ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилиш оқибатида юзага келадиган касалликлар туфайли ҳар ўн сонияда бир киши ҳаёт билан видолашади.



Биз учун фойдали

Италиялик олимларнинг айтишича, қунига уч дона истеъмол қилинган банан меваси саратон ва инсульт хасталиғига чалинишининг олдини олади.

Шунингдек, калий моддасига бой бўлган ушбу мева қон босими юқори беморлар учун ҳам фойдалидир. Диетологларнинг фикрича, инсон фақат банан билан чекланиб қолмаслиги лозим. Зеро, банан калорияга бой мева ҳисобланади. Уларнинг айтишича, банан ўрнини исмамоқ, ёнғоқ, сўт, балик ва ясиқ каби ўсимлик ва маҳсулотлар босиши мумкин.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

Индонезияни бежизга вулқонлар мамлақати, деб аташмайди. Ҳозир мамлакат шимолида жойлашган "Локон" вулқони янада фаоллашган. Унинг кратеридан икки ярим километр баландликкача қайноқ қуллар отилмоқда. Денгиз сатҳидан 1,570 километр баландликда жойлашган вулқон шимолий Сулавеси вилояти аҳолисининг тинчлини бузди. "Локон" ўтган йилнинг июн ойи охирида ҳам кўпчиликки безовта қилганди. Уша йили беш ярим мингдан ортиқ киши хавфсиз жойга қўчирилган. Аҳоли вақтинчалик қурилган лагерга жойлаштирилди.

Индонезия вулқонлари фаоллиги ва зилзилалари билан дунёда етакчи ўринда туради. Сайёрамиздаги энг йирик архипелаг Тинч океанидаги радиуси қирқ минг километрдан иборат бўлган "Оловли халқа"нинг бўлаги ҳисобланади. У Жанубий ва Шимолий Америкадан тортиб, Аляска, Япония, Филиппин, Индонезия, Янги Гвинея, Янги Зеландия, Жанубий-Ғарбий Океанияни қамраб олади. Индонезия

● РАНГИН ДУНЁ

Испания Қироллиги Европанинڭ жануби-ғарбида, Пиреней ярим оролида жойлашган. Пойтахти Мадрид шаҳри. Ҳудуди 504700 квадрат километр. Аҳолиси 46 млн.дан (2010 й.) зиёд.

Евроҳудудга кирувчи мамлакатда оғир саноат, машинасозлик, автомобилсозлик, кemasозлик, электротехника, станоксозлик, кимё саноати яхши ривожланган. Бироқ, Испания бетакрор меъморий обидаларга ҳам бой. Мамлакатнинг деярли ҳар бир гўшасида қадимий қаср ва саройларни учратиш мумкин. Мадрид шаҳридаги Қирол саройи эса Европанинڭ бизгача етиб келган ана шундай кўҳна ва мухташам иншоотларидан бири ҳисобланади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Қирол саройи ўрта асрларда яшаган мавританиялик амирларга тегишли истеҳком ўрнида бунёд этилган. 1735 йили Филипп V италиялик меъмор Филиппо Юваррани хузурига чорлайди. Юварра тез орада ишга киришади. Бироқ, меъмор қутилмаганда ҳаётдан кўз юмади ва унинг лойиҳасини италиялик архитектор Жовани Батиста Сакетти охирига етказди. Италиянинг барокко услубида қурилган сарой биноси тўғри учбурчак кўринишида бўлиб, марказида ички

ҳовлиси бўлган. Жами 3500 та хонадан иборат саройни куришда Гвадаррама тоғидан келтирилган гранит ва мрамор тошлардан кенг фойдаланилган. Карл III даврига келиб сарой қурилиши (1738-1764 й.) тўлиқ ниҳоясига етади ва унинг ўзи саройга биринчилардан бўлиб қўчиб ўтади.

Сарой Мансанарес дарёси ёқасидаги тепалиқлар устига қурилгани боис, унинг пойдевори мустаҳкам асосга эга. Қалин девор ва зинасимон платформалари дарёнинг ғарбий томонида қўзилиб кетган. Айнан шу ерда Кампо дель Моро боғи бўлиб, ўзининг қалин дарахтзорлари, йўлак ва фаворалари билан киши эътиборини тортади. XIX асрда асос солинган боғ ҳозирда файтулар музейи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Музей экспонатлари орасида испан қиролларига тегишли файтун ва от-аравалар, эгар-жабдуқ ва гиламларнинг бир неча хили мавжуд.

Қирол саройининг ички безаклари - фрескаларни чизишда нафақат италиялик, балки немис, испан ва француз усталари

Мадриддаги Қирол саройи



ҳам фаол қатнашишган. Масалан, шохона зал шифтига роқоқо услубида безак берилган бўлиб, деворлари қизил рангдаги материал билан қопланган. Устига эса кумуш иплар ёрдамида зеб берилган. Венециялик усталар томонидан ишланган биллур қандиллар эса саройга ўзга чирой бахш этиб туради. Саройнинг яна бир катта зали тушки меймондорчилик учун мўлжалланган. 1879 йили Альфонс XII ва унинг рафиқаси шарафига очилган зал 145 кишини ўзига сиғдира олади. XVI асрда оид фламанг гобеленлари, биллур ва бронзадан ишланган қандил, чинни буюмлар, Менгс ва Байеу қўли билан чизилган фрескалар

залнинг асл моҳиятини очиб берилган. Мазкур залларга меъмор Сабатини томонидан лойиҳалаштирилган асосий зина бўйлаб ўтилади. Умуман олганда, Сабатини Қирол саройига сўнги безаклари берган меъмор ҳисобланади. Бевосита унинг иштирокида саройнинг шимолий қисмида боғу роғлар барпо этилган.

Гарчанд сарой Испания қироллигининг расмий қароргоҳи ҳисобланса-да, хозирги кунда ундан давлат аҳамиятига молик маросим ва тадбирларни ўтказиш мақсадида фойдаланилади. Шунингдек, саройнинг бир қисми омма учун ажратилган бўлиб, унда ўзига хос

музей экспозициялари ташкил этилган. Сарой музейидаги биллур қандиллар, фламанг гобеленлари, неоклассик услубда ишланган мебеллар, роқоқо, амбир, чинни буюмлар, соатлар, дунё бўйича ноёб ҳисобланувчи Страдивари скрипкалари, эски қурол-аслаҳалар коллекцияси, портрет ва картиналар оддий томошбинни бефарқ қолдирмайди. Бундан ташқари, сарой кутубхонаси, тиббиёт, алхимия, нумизматика, мусиқа, амалий ва тасвирий санъатга оид экспонатлар кўпчилиги учун қизиқ туюлиши шубҳасиз.

Зафар МУҲАММАД

РЕКЛАМА ЎРНИДА**БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА
ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ**

**Шу табаррук ва мўътабар заминда яшаётган
барча юртдошларимизни кириб келаётган Янги**

2013 -

“ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ”

билан муборакбод этади.

**Осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлиб,
янги йилда барча эзгу-ниятларимиз
рўёбга чиқсин.**

**Сизларга соғлиқ-омонлик,
онларингизга тинчлик-хотиржамлик
тилаймиз.**

Янги йилнингиз муборак бўлсин, азизлар!

**ҲИҚМАТ**

Доно одам учун ҳаддан ташқари хурсандликка берилиш ҳам, ортиқча ғам-ғуссага ботиш ҳам бирдек номуносибдир.

Ўзингни безовта қилаётган нарсаларга муносабатингни ўзгартир, ана шунда хавф-хатардан холи бўласан.

Ўткир фикр ортиқча изоҳ талаб қилмайди: ҳаммаси равшан бўлгач, ортиқча изоҳнинг нима ҳолати бор. Эзмалик калтабинлик белгиси. Маъносидан сўзи кўп ваъза ва хатларнинг бари одамнинг калтабинлигини кўрсатади.

Оддийгина гапирётган нотикқа тақлид этиш аввалига жуда осондай туюлади, холбуки тажриба шуни кўрсатадики, аслида бундан қийинроқ нарса йўқ.

РИВОЯТ

Дўстларинг орасидаги баҳсга ечим топишдан кўра, душманларинг ўртасидаги низои ҳал қилиш афзалдир. Чунки дўстларинг ўртасига тушсанг, бири сенинг душманингга айланади, душманларинг баҳсини ҳал қилсанг улардан бири сенга дўст бўлиб қолади.

БИЛАСИЗМИ?

«Canton Fair» (Хитой) кўргазмалар мажмуи 2 миллион квадрат метр майдонни эгаллаган бўлиб, уларда 59 мингга яқин экспонатлар жой олган. Мазкур кўргазмада қатнашиш учун ҳар йили дунёнинг 230 мамлакатидан 210 мингга яқин тадбиркор ва бизнесменлар ташриф буюради.

Тиббиёт ходимларининг кузатишича, инсон тунги соат 1:00 дан 4:00 гача мириқиб ўхлайди. Бунда инсон тана ҳарорати 36,2 даражадан 35 даражагача тушиб кетади. Демак, уйку бизнинг тана ҳароратимизга ўз таъсирини кўрсатиб, кейинги кунга янги-дан куч бағишлайди.

ТУРФА ОЛАМ**Дунёнинг янги рекорди**

**ХИНДИСТОНЛИК
ҚУРУВЧИЛАР АТИГИ
ИККИ КУН ИЧИДА 10
ҚАВАТЛИ БИНОНИ
БУНЁД ЭТИШГАН.**

Моҳали шахрида қурилган уйнинг баландлиги 30 метрдан зиёд бўлиб, уни қуришда 200 нафар қурувчи ва учта кран туну кун ишлашига тўғри келган. Салкам 200 тонна тош босувчи бино майдони 25 минг квадрат метрни ташкил қилади. Тўғри, бино тез суръатларда бунёд этилган. Бироқ, мутахассислар уни ўта мустаҳкам, деб топишди. Натижада, Instacon дея ном олган уй дунёнинг янги рекорди сифатида қайд этилди.

**Экрани эгиловчан смартфон**

**2013 ЙИЛИ SAMSUNG КОМПАНИЯСИ ОММА
ЭЪТИБОРИГА ЎЗИНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИНИ
ҲАВОЛА ЭТИШИ КУТИЛМОҚДА.**

Уяли телефон бозорида катта шов-шувга сабаб бўлиши тахмин қилинаётган янги смартфоннинг экрани эгиловчан бўлиб, унга ўрнатилган диллар ўзидан нур таратиб туради. Мазкур аппарат шу қадар эгиловчанки, уни тенг иккига бўлиб ҳам бўлади. Бундай техника мўъжизасини яратишда энг арзон ҳомашё — пластик ва шунга ўхшаш материаллардан фойдаланилган. Бу эса энг аввало, маҳсулотнинг янада арзонлашувини таъминлайди.

**Рухий зўриқишнинг давоси**

**ХИТОЙЛИК ОЛИМЛАР ТЕЗ-ТЕЗ ПОМИДОР
ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИБ ЮРГАН ОДАМ РУҲИЙ
ЗЎРИҚИШГА ЙЎЛИҚМАСЛИгини АНИҚЛАШДИ.**

Статистик маълумотларга қараганда, 20 фоизга яқин инсон ҳаёт тақозосига кўра руҳан зўриқиши кузатилади. Кўпинча бу ҳолат аёллар орасида кенг учрайди. Рухий зўриқишни табиий йўл билан даволашни мақсад қилган олимлар жуда кўп мева-сабзавотлар устида тадқиқотлар ўтказишган. Ниҳоят, оддий помидор таркибида мавжуд антиоксидант ва кимёвий моддалар руҳий зўриқишга қарши энг яхши даво эканини аниқлашди. Бундан ташқари, помидор таркибидаги ликопин моддаси руҳий ҳолат туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган юрак ва буйрак хасталиқларининг олдини олар экан.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

VATAN TUVG'USI HAR NARBADAN USTUN
MILLIY TIQLANISH

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Фолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДИДИНОВ, Муҳаммаджон КУРОНОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаи ХУДОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИҚЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1219, Адади — 4225. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Исмаи ХУДОЕВ
Навбатчи: Зафар МУҲАММАД
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: milliyti@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.50.
ISSN 2010-7714